

2018-09-17 15:29

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги 73-сон қарорига биноан, Уюшма томонидан марказий девонхона ходимларини малакасини ошириш юзасидан 2018 йилда ўқитиладиган 7 нафар ходимларни ўқитиш учун Тошкент ахборот технологиялари университети билан 2018 йил 16 мартда 10/18-38-сонли шартнома имзоланди.

Ушбу шартномага биноан, Уюшманинг марказий девонхона ходимларидан 7 нафарини Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги “Электрон ҳукумат” ўқув маркази томонидан 2018 йилда ўқитиладиган ходимлар учун ташкил этилган “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш, компьютер техникаси ва интернет тизимида ишлаш”, “Электрон ҳукумат” – имкониятлари ва истиқболлари” бўйича ўқув курсларида малака оширишди, сертификатлар берилди.